



## Migration policy of the Russian Empire and its impact on the socio-economic life of Turkestan

Makhfuza SULTONOVA<sup>1</sup>

Andijan State University

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received March 2023  
Received in revised form  
15 April 2023  
Accepted 25 April 2023  
Available online  
15 May 2023

**Keywords:**

colony,  
resettlement,  
position,  
draft position,  
residence,  
serfdom,  
peasant,  
empire,  
laws,  
settlements,  
military,  
officer,  
administration.

### ABSTRACT

The article highlights the resettlement policy of the Russian Empire in Turkestan, the Russian settlements created in the region, their way of life, the main goals of the resettlement policy of the colonial administration, the conditions created for the settlers and their impact on the socio-economic life of the local population.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss3/S-pp70-79>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Россия империясининг аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

мустамлака,  
кўчириш,  
низом,  
лойиҳа,  
посёлка,  
қароргоҳ,  
крепостнойлик,  
деҳқон,

Мақолада Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати, ўлкада бунёд этилган рус посёлкалари, улардаги турмуш тарзи, мустамлакачи маъмурларнинг кўчириш сиёсатидан кўзлаган асосий мақсадлари, кўчирилган аҳолига яратилган шароитлар ва уларнинг маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири баён этилган.

<sup>1</sup> Lecturer, Department of History of Uzbekistan, Andijan State University.

империя,  
қонунлар,  
манзилгоҳ,  
ҳарбийлар,  
зобит,  
маъмурият.

## Переселенческая политика Российской империи и её влияние на социально-экономическую жизнь Туркестана

### АННОТАЦИЯ

#### *Ключевые слова:*

колония,  
переселение,  
положение,  
проект положения,  
посёлка,  
резиденция,  
крепостное право,  
крестьянин,  
империя,  
законы,  
поселения,  
военные,  
фицер,  
администрация.

В статье освещается переселенческая политика Российской империи в Туркестане, русские поселения, созданные в крае, их образ жизни, основные цели переселенческой политики колониальной администрации, условия, созданные для переселенцев и их влияние на социально-экономическую жизнь местного населения.

Ўрта Осиё худудида XIX асрда учта давлат мавжуд бўлиб, ўзаро муносабатлари барқарор эмас эди. Давлатлардаги иқтисодий қолоқлик ҳалқларнинг ижтимоий ҳаётининг оғирлашишига ва турли норозилик ҳаракатларига сабаб бўлди. Ўрта Осиёни босиб олишда ўлкада мавжуд бўлган Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ички низолар, давлатлар ичидаги сиёсий тарқоқлик, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифлиги босқинчиларга қўл келди ва катта ҳудуд мустамлакага айланди. Босқин Ўрта Осиё ҳалқлари давлати ва жамиятининг барча соҳасида кескин ва туб бурилишга сабаб бўлди ҳамда империя манфаатига бўйсундирилган янги ҳуқуқий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими киритилди. Зўрлик билан жорий қилинган бу муносабатлар минтақада анъанавий қарор топган давлатчилик муносабатларини ва уларнинг миллий асосда ривожланишини чегаралаб қўйди. Россия империяси босиб олинган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқаришда ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий этиш учун барча чора-тадбирларни кўрди.

Тарихдан маълумки, миллатларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти турли тарихий шароитларга кўра ўзгариб туради. Қайсидир босқичда ривожланса, қайсидир босқичда тараққиётда пасайиш даври сезилади. Ижтимоий ўзгаришлар ҳамиша маълум омиллар ва сабабларга асосланади. Ўрта Осиё халқлари турмуш даражаси ҳам Россия империяси босқинидан сўнг ўзгаришлар гирдобига тортилди. Бундай кескин ўзгаришларнинг асосий омилларидан бири чор Россиясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати эди.

Мустамлакачи ҳукуматнинг аҳолини кўчириш сиёсатидан кўзлаган асосий мақсади, аввало Туркистонда мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлаш, шунингдек, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги муҳим бир босқич деб қаралган. Тарихда кўплаб босқинчи давлатлар босиб олган ҳудудга ўз аҳолисини кўчириш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, маданиятини киритган. Бундай сиёсатдан чор Россияси ҳам унумли фойдаланди. Дастлаб Сибирь ва Кавказда қўлланилган кўчириш сиёсати, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида ҳам амалга оширилди. Россия империясида 1861 йил 19 февралда креспостной тузум [1. Б. 193] бекор қилинган, рус ҳукумати олдида янги муаммолар келиб чиқди. Асосий муаммолардан бири крепостнойликдан озод бўлган аҳолини ер билан таъминлаш керак эди. Крепостнойлик тузуми бекор қилиниши Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида капиталистик муносабатларнинг кенг ривожланишига, ишчилар ҳаракатининг фаоллашуви ва деҳқонлар турмушида янги муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлди. Деҳқонлар озод бўлган, уларни ижтимоий ҳаётида меҳнат фаолиятининг янги турлари пайдо бўлди, ишчи, выкуп\* тўловчи деҳқон ва казак қўшини аскарлари бўлиш шулар жумласидандир.

Кўчириш сиёсатини амалга оширишдан олдин Россия империяси мутасаддилари Туркистон ўлкасининг имкониятларини тўлиқ ўрганиб, ҳосилдор, сув муаммоси кам бўлган, иложи борича кам чиқим ҳудудларни аниқлади, лекин кўчирилганларни жойлаштириш бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий асос ишлаб чиқилмади. Империянинг марказий туманларидаги аҳолини чекка ҳудудларга кўчириш режалаштирилди. Шунинг таъкидлаш керакки, илк рус посёкаларини шакллантириш учун махсус тизим, маъмурий бирликлар тузиш йўриқномаси яратилмаган. Фақатгина 1886 йил қабул қилинган Низомда, кўчирилганларни Туркистонга жойлаштириш бўйича илк меъёрий асослар қонун билан тасдиқланди [1. Б. 193].

Кўплаб тарихий манбаларда русийзабон аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсати 1875 йилда Авлиёотага кўчиришдан бошланган. Дастлабки рус қароргоҳи Авлиёотада ташкил этилган, деб берилди. Бироқ манбаларнинг таҳлили илк кўчириш сиёсати Россия империяси томонидан Тошкент шаҳрининг босиб олиниши ва Туркистон вилоятининг ташкилланишидан бошланганини тасдиқламоқда. Кўчириш сиёсатига оид рус ҳарбийси Маевнинг “Туркистон вилоятида рус аҳолисини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги баёни” 1867 йилда ёзилган бўлиб, Туркистон вилояти ташкил қилиниши билан бирга рус посёлкаларини ташкил этиш ва уларни қўшимча ҳарбий куч сифатида шакллантириш ғояси илгари сурилган [3. Б. 7]. Манбаларда қайд этилишича, дастлабки рус манзилгоҳини ташкил этиш, Тошкент шаҳрини босиб олиш оқибатида амалга оширилган. 1865–1867 йилларда бу масала Туркистон вилояти ҳарбий губернатори томонидан ҳал қилиниб, Бўзсув ва Чаули\* анҳорлари орасидаги ҳудуд туб аҳолидан тортиб олинди ва рус аҳолиси учун бўшатилади. Кўчиб келган русийзабон аҳолининг сони кўпайиши боис, манзилгоҳ Фон Кауфман буйруғига кўра, энди Чаулидан Саларгача бўлган ҳудудга кенгайди [2. Б. 72].

\* Выкуп-1861 йил крепостнойлик бекор қилинган, помещикдан сотиб оладиган ери учун деҳқон тўлайдиган тўлов.

\* Чаули канали – Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқийдан жануби-ғарбий томонига қараб оқади ва сувини Салор каналига қуюди.

Ушбу ҳудуддаги ерлар турли усуллар билан ўзлаштирилди: босиб олиш, тортиб олиш, рус маъмурияти томонидан сотиб олиш каби усулларда амалга оширилди. Ваҳоланки рус аҳолиси ҳам маҳаллий аҳолидан Чаули, Салар\* ва Салар атрофидаги ерларни сотиб олиш орқали ўз яшаш жойларини кенгайтириб борган.

Чор Россияси томонидан Туркистонга дастлаб ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари кўчирилган. Буни ўша даврга оид кўплаб манбаларда учратиш мумкин. Тошкентда Россиядан кўчирилганлар учун манзилгоҳлар, шаҳар босиб олинган йилдаёқ шаклланди. 1865 йил генерал М.Г. Черняев Тошкентни босиб олгач, шу даврдан рус манзилгоҳини ташкил этишга киришганди. М.Г. Черняев кўшинни қишга ҳозирлаш мақсадида 1865 йил августдан қалъа ва қишлаш учун бинолар қуриш ҳақида буйруқ беради, октябрга келиб, иншоотлар битказилади. Ҳарбий манзилгоҳда 6 та рота пиёда кўшин ва битта батальон командири учун жой, ҳарбий кийимлар ҳамда қурол аслаҳалар сақланадиган омбор (цейхгауз) ва порох омборхонаси, тиббиёт муассасаси (лазарет) қурилганди. Тошкент аркида эса штаб, Оренбург ўқчи батальони, 250 та казак полки, Сибирь ва жанговар батальони учун жой ҳозирланди [2. Б. 72].

1865 йил 17 июнда Тошкент босиб олингач, М.Г. Черняев учун алоҳида ҳовли жой қурилган. Ушбу жой кейинчалик барча келган мустамлакачи раҳбарлар учун меҳмонхона вазифасини ўтаган. Кейинчалик ҳовли атрофида боғ барпо этилиб, “Черняев боғи” деб номланган. М.Г. Черняев 1866 йил Россияга чақириб олингач ва ўрнига Туркистон вилояти ҳарбий губернатори қилиб тайинланган Романовский, 1866 йилнинг бошидан Тошкент шаҳридан рус аҳолиси яшаши учун ҳудуд танлади. Бу шаҳарнинг маҳаллий аҳолидан тортиб олинган, Тошкентнинг шарқий қисми Бўзсув ва Чаули оралиғидаги ҳудуд эди. Шу йили июнь ойида Янги шаҳар қурилиши бўйича Романовский бошчилигида комиссия тузилиб, 18 ой давомида (яъни 1866 июндан – 1868 йил январгача) қурилиш ишлари олиб борилди. Шу давр ичида ушбу ҳудуддаги барча бинолар, жумладан, арк ҳам бузиб ташланди. Ўрнига Европа типидики кўчалар, казармалар, рус маъмурлари учун уйлар, дам олиш боғлари, бозор учун майдонлар, 500 та хўжалик учун яшаш жойлари қуриш белгиланди. 1866–1867 йилларда 200 та шахсий турар жой бинолари битказилди. 1867 йилдан генерал фон К.П. фон Кауфман ва бошқа амалдорлар ўз оилалари билан ушбу турар жойларга жойлашди ва Тошкент шаҳрининг русийзабон аҳоли яшовчи қисми тез ўсиб, 1868 ва 1869 йиллар ичида бир неча маъмурий идоралар ҳамда 500 та хусусий хонадонлар қурилди [2. Б. 73]. Русийзабон аҳоли яшовчи янги шаҳар билан маҳаллий аҳоли яшовчи Эски шаҳар ўртасидаги чегара Бўзсув анҳори бўлди. Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази бўлганлиги учун келган барча рус фуқароларини уй билан таъминлаш мушкул эди. Шу сабабли генерал-губернатор 1500 рубль миқдорида уй қуриш учун ссуда қарзларини 2% йиллик бадали билан 10 йил муддатга бериш ҳақида қарор чиқарди. Бу ссудадан кўпчилик фойдаланди, 1868–1869 йилларда 100000 рубль ссуда берилган [2. Б. 73].

---

\* Салор канали- Чирчик дарёсининг табиий ирмоғи бўлиб. Бўзсув каналининг чап ирмоғи бўлиб, ҳозирда Қибрай туманидан бошланади, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шарқий ва жануби -шарқий қисмидан оқиб ўтади, узунлиги 65 км. чуқурлиги 1-3 м. кенглиги. 1902 йил таъмирланган.

1909 йилга келиб, Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида 3000 та хўжалик истиқомат қилган. Демак, манбаларда қайд этилишига кўра, 1867 йилда мустамлакачи маъмурлар томонидан Тошкентда илк рус қароргоҳи Черняевка қишлоғи ташкил этилган. Кўчириш сиёсати босиб олинган ҳудудларни қўшиб олиш сиёсати билан бирга олиб борилган [3. Б. 144]. Илк кўчирилганлар рус амалдорлари, ҳарбийлар оиласи билан кўчиб келиб жойлашишидан бошланган. Черняевка посёлкасида асосан мустамлакачи маъмурият раҳбарлари жойлаштирилган бўлиб, бу руслаштириш сиёсати борасида қўйилган дастлабки қадамлардан эди.

Посёлкалар маҳаллий аҳоли яшайдиган ҳудуддан ажратилган. Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида кўплаб сиёсий, маданий ва савдо тадбирлари ўтказилар, маҳаллий аҳолидан вакиллар таклиф қилинар эди. XIX асрга келиб, Туркистонда ишбилармон, зиёли ва савдогарлар орасида рус тилида эркин сўзлашадиган аҳоли вакиллари, рус маъмурияти ва кўчиб келганлар билан алоқада бўлар, турли соҳаларда ҳамкорлик ҳам қилишар эди.

Туркистонда кейинроқ яна кўплаб рус посёлкалари ташкил этилди, посёлкалар серунум ерларда, ҳарбий истехком ёки шаҳарлар атрофида қурилди. Кўчирилган аҳоли вакиллари дастлабки йилларда ҳар қандай пуллик тўловлар ва мажбуриятлардан озод қилинган, уларга пул ва чекланмаган миқдорда ер берилган. Эвазига уларга фавқулодда ҳолатларда ҳарбий хизмат ўташ ёки ўз таркибидан белгиланган миқдорда аскар етказиб бериш мажбурияти юкланган. Кўчириб келтирилганларни рағбатлантириш мақсадида чекланмаган миқдорда ер, кредитлар, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун кўплаб имкониятлар жорий қилинган эди.

Мустамлакачи маъмурият дастлабки даврларда рус деҳқонларини Еттисув вилоятига кўчириш сиёсатини ҳам бошлади. Маъмурият кўчириб келтирилганларни жойлаштиришга оид махсус йўриқнома бўлмаганлиги, бўш ерлар аниқланмаганлиги сабабли улар Верний шаҳри атрофида яшовчи қозоқлардан ижарага олинган ҳудудларга жойлаштирилди [7. Б. 114].

Россияда деҳқонларни ер билан таъминлаш масаласи тугалланмаганлиги боис, Туркистонда рус мустамлакачилигининг янги кўриниши – кўчириш сиёсатини тезлаштирди. Туркистонга кўплаб рус деҳқон оилаларининг кўчиб келиши, мустамлака маъмурият учун қўшимча ҳарбий куч ҳисобланган эди. Шу боис ҳам мустамлакачи маъмурлар кўчиб келганларни шу ҳудудда олиб қолиш учун шарт – шароитни яхши яратиш, муҳофазасини таъминлашга эътибор беришга ундарди. Шундан келиб чиқиб Еттисув вилояти ҳарбий губернатори Г.А. Колпаковский 1869 йили Еттисувдаги рус манзилгоҳлари ҳақида вақтинчалик қоидаларни ишлаб чиқиб, русийзабон аҳолини ушбу вилоятга оммавий кўчиб келишига қулай шароит яратиб берди. Бунинг оқибатида, 1868-1882 йилларга келиб, Еттисувда 25 минг аҳоли истиқомат қилган 29 та рус посёлкаси ташкил этилди [7. Б. 114].

Ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудига Россиянинг жанубий губернияларидан: Астрахань, Харьков Воронеж, Самара ва Оренбургдан камбағал деҳқонлар кўчирилган бўлиб, улар кўпинча ҳосилсизликдан азият чекишар эди. Оренбург чўлларида камбағал деҳқонлар оиласи ва юклари билан йўлга чиққан эди [8. Б. 5].

1873 йил Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман рус деҳқонларини оммавий кўчириш ҳақида бош режани имзолади. Унга кўра Кауфман европаликлар,



шунингдек, русларга ҳам маҳаллий аҳолидан ер сотиб олиш тақиқлади. Рус деҳқон посёлкаларини дарё бўйларида ва Оренбургдан Тошкентгача, Верний (ҳозирги Олмаота) орқали Семипалатинсккача алоқа йўлларида ташкил этиш белгиланди. Дастлаб кўчириш сиёсати секинлик билан борди, чунки кўчирилаётганлар олдида кўплаб муаммолар турар эди. Хусусан, яшаган жойидан кетиш, янги жойдаги нотаниш муҳит, иссиқ иқлим, ерга ишлов беришнинг янги усуллари ва бошқалар. Ҳамма ҳам янги муҳитга ва шароитга мослашиб кетолмаган эди, маълум бир қисми орқага қайтганлиги ҳақида маълумотлар ҳам бор. Жумладан, Туркистондан Казалинскга қайтаётган йўловчининг суҳбати “Родина” журналида 1880 йил чоп этилган. Унда Туркистонга кўчирилган рус деҳқони фикри ёритилган: “Ерлари қуруқ, қаттиқ, ўт босган. Биз бу ерларни қанақа қилиб чопамиз, сўқа ҳам, омоч ҳам ўтмайди, балки ёмғирдан кейин юмшар дейишди. Бу ерларда ёмғир қишда ёғар, баҳорда эса кам ёғар экан, ерни бетигина нам бўлади. Шу сабабли Москвага қайтмоқдамиз” [7. Б. 114]. Кўриниб турибдики, маҳаллий шароитга мослаша олмаганлар ортга қайтишга мажбур бўлганлар.

Подшо ҳукумати томонида 1881 йил йил рус деҳқонларини бўш ерларга кўчириш ҳақида муваққат қоидалари эълон қилинди. Туркистон ўлкасига камбағал деҳқонлардан ташқари, ҳарбийларнинг қуйи лавозимдагиларига оиласини чақиришга ва хизмат даври тугагач, оиласи билан Туркистонда яшаш учун рухсат берилган. Маъмурият ҳарбийларни шу ҳудудда олиб қолиш мақсадида ерлар ва турли имтиёзлар бериш усулидан фойдаланганди. Ҳар бир оилага етти десятинадан кам бўлмаган (7,63 га) суғориладиган ер, барча пуллик ва бошқа мажбуриятлар бўйича имтиёзлар 15 йилга мўлжалланган эди. Кўчирилганларга экин ерлари 10 йилдан сўнг шу ерда ҳар йили ҳосил етиштирган бўлса, хусусийлаштирилиб берилган. 1912 йили Туркистондаги мустамлакачи маъмурлардан бири Кривошен “Бўлажак рус қишлоқлари маҳаллий аҳоли қишлоқларидан бойроқ бўлиши шарт, ҳар ҳолда кўчиб келган руслар қўлида маҳаллий аҳоли ишлаши яхшироқ, акси бўлгандан кўра”, деб таъкидлаган эди [3. Б. 5].

Мустамлакачи маъмурият томонидан 1883 йилдан кўчиришга оид қонунларга янги қўшимча қоидалар киритилди, энди Туркистонга фақат славян халқининг православ мазҳабидагиларига кўчишига рухсат берилиши натижасида кўчиб келадиганлар сони нисбатан чекланди.

1886 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом” қабул қилинди. Низомга мувофиқ, катта ер эгалари ва мусулмон диндорларнинг ҳуқуқлари чекланди, барча ерлар давлат мулки деб эълон қилиниши орқали, давлат ер фонди кескин кўпайди.

XIX асрнинг 80 йиллар охирларига келиб, Туркистонда кўплаб янги рус посёлкалари ташкил этилиб, кўчиб келган аҳоли мослашиши учун барча шароитлар яратилди. Энди кўчиб келганларга 7-10 десятинадан ер, имтиёзлар, кредитлар берилди. Империянинг 1889 йил 13 июлда кўчириш тўғрисида янги қонуни қабул қилинди, бу қонун 1904 йилгача амалда бўлди [7. Б. 114]. Унга мувофиқ эркин кўчиш тақиқланган, кўчиб келиш рухсат ва тартиб асосида бўлиши керак эди, бироқ қанчалик қонунан тақиқ қўйилмасин, ўзбошимчаларча кўчиб келишлар давом этаверганди.

Кўп ҳолларда рус маъмурияти рус посёлкаларга ҳарбий гарнизон сифатида қарар, деҳқонлар орасига қисман истеъфога чиққан ҳарбийларни ҳам жойлаган. XIX асрнинг 80-90 йилларида Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари,

қўзғолонлар кучайишига жавобан мустамлакачи маъмурият қўшимча чоралар қўллаган. Сирдарё вилояти губернатори Н.И.Гродеков ташаббусига кўра, 1892 йилдан қўчирилган аҳоли қуроллантирилган.

Н.И. Гродеков рус мужикларини қуроллантиришга оид “...ҳар бир янги рус қишлоғи рус батальони кучига тенг” [8. Б. 5] иборасини қўллайди, бу славян аҳолини қуроллантиришда чақирувга айланади. Рус мужикларини қуроллантириш ғояси оддий прапоршик Маев томонидан, Тошкент босиб олинганидан икки йил кейин 1867 йил илк бора илгари сурилган. Бу ғояга маҳаллий аҳолининг кутилмаганда хужум қилишидан хавотир сабаб бўлган. Рус қишлоқлари стратегик жойларда: дарё бўйларида, йўл чорраҳаларида тузиш бошланди. Маев қуйи ҳарбийлардан ихтиёрий қоладиганларга, Сирдарё ҳарбий линияси бўйлаб тузилган посёлкаларга жойлаштириш таклифини берди ва бу ғоянинг стратегик афзалликларини қуйидагича изоҳлади: “Истеъфога чиққан қуйи ҳарбийлардан тузиладиган посёлкалар, худди казак қишлоқлари сингари вилоят бўйлаб узлуксиз ташкил этилиши, Туркистон вилоятида бўладиган тартибсизликлар пайтида катта фойда бўлади. Бу посёлкалар бир-бирига яқин тузилиши керак, фавқулодда ҳолатда бир-бирига ёрдам бериши учун” [8. Б. 8]. Шуни таъкидлаш керакки, рус қишлоқларини ташкил этиш учун қулай, яшаш учун муаммосиз худудлар танланди.

Илк рус посёлкаларига ҳарбий куч сифатида қараш Тошкентни босиб олгандан икки йил кейин, Туркистон генерал-губернаторлиги тузилишидан бошланди. Истеъфога чиққан ҳарбийларни рус посёлкаларида бошқарув лавозимида қўйилди, сабаби маҳаллий аҳоли томонидан хужум қилинса, илк мудофаани ташкиллаш улар зиммасига юкланди. Н.И.Гродеков, Сирдарё вилоятидаги рус қишлоқларини қуроллантириш Афғонистон ва Хитой чегара ҳавфсизлигида ҳам муҳим эканлигини таъкидлади. Сирдарё вилояти Туркистон генерал-губернаторлик ҳарбий кучларининг асосий базаси бўлиши билан бирга рус қишлоқлари ишончли қўшимча куч бўлишини таъминлаш долзарб муаммолардан бири бўлди. 1889 йилдан бошлаб Гродеков бир неча асослар келтириб, Туркистондаги рус аҳолисини қуроллантиришга эришди, ниҳоят унинг таклифига кўра 1891 йил 29 ноябрда Туркистондаги рус аҳолисини қуроллантириш бўйича қонун имзоланди [8. Б. 16].

Сирдарё вилоятида истеъфога чиққан аскар бошқарувидаги посёлкалари шакллантириш белгиланди ва 1892 йилдан қўчирилган аҳолини қуроллантириш бошланди, лекин бу сиёсат жуда секинлик билан борди. Сабаби маъмурият, маҳаллий ва рус аҳолиси ўртасида турли низолар бўлиб турганлигидан хавфсираб, қурол тарқатишда жуда хушёрликка амал қилган. Илк қуроллантириш Сирдарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилган. Дастлаб истеъфога чиққан собиқ ҳарбийларга қурол тарқатилган, улардан ошгани оддий мужикларга тарқатилган. 1892 йил Сирдарё вилоятига қўчирилганларга тарқатиш учун 1500 та қурол ажратилди ва 1897 йилга келиб шундан 1231 та қурол кўчиб келган аҳолига тарқатилди [8. Б. 18].

1894 йил Фарғона вилоятининг Покровский посёлкасида 17 та қурол бўлса, яна қўшимча равишда 1897 йил Сирдарё вилоятидан ортган 50 та қурол ҳам шу қишлоққа тарқатилди. Агар қурол сонига қарасак оз сонни қўриш мумкин, лекин аҳоли сонига нисбат берсак, бу аҳолини ярмидан кўпини қуроллантирилганлигини англаш мумкин. Чунки 1892 йил ҳолатига Туркистон генерал-губернаторлигининг

42 та рус посёлкасида 3000 кўчирилган оила истиқомат қилиб, улар асосан Сирдарё вилоятида эди. 1897 йил Фарғона вилоятида жами 3 та қишлоқ бўлиб, 1899 йилга келиб, бу ерда 166 та оила истиқомат қилиб, 67 та яъни 40,3 фоиз оила қуроллантирилган [8. Б. 19]. Русларни қуроллантиришдан мақсад, фавқулодда вазиятга доимо уларни тайёр ҳолатда сақлаш бўлган. Қанчалик чоралар кўрилмасин, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғирлашиши, Туркистондаги рус маъмуриятини янги чоралар кўришга мажбур қилди.

1896 йил молия вазири С.Ю. Витте ўлкага аҳолини кўчиришни тўхтатиш ғояси билан чиқди. Ҳарбий вазир П.С. Вановский уни қўллаб қувватлагани сабабли, империя ҳукумати Еттисув вилоятига Европа аҳолисини кўчиришни тақиқлаганди. 1897 йил Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский император розилигини кутмасдан, Туркистон ўлкаси вилоятларига кўчиришни бекор қилди. [7. Б. 113].

Бироқ бу вақтинчалик ҳолат эди. 1891 йилда Россияда рўй берган ҳосилсизлик оқибатидаги очарчилик, ерсиз дехқонларни Туркистон ўлкасига оммавий кўчиб келишига сабаб бўлди. Сирдарё вилояти қанчалик зич бўлмасин, икки йил ичида 17 та рус қишлоғи ташкил топди. XIX асрнинг 90 йилларгача кўчирилганлар орасида қашшоқлар камчиликни ташкил қилган бўлса, 1891–1892 йилларда асосан камбағаллар кўчиши кўпайган. 1891–1892 йилларда яна Туркистонга Россиядан кўчиб келиш авж олган. Бунга эса маҳаллий маъмурият тайёр эмас эди. Туркистон генерал-губернатори Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторидан 1892 йил 17 июнда янги посёлкалар тузиш учун, бўш ерлар бўйича ҳисобот беришини талаб қилди.

1890 йил статистик маълумотларга кўра, Сирдарё вилоятига 1300 оила кўчириб жойлаштирилган эди. Ҳисоботда қайд этилишича Чимкент уездида бўш ерлар деярли йўқ бўлишига қарамай, 1892 йил ҳолатига 360 оила жойлаштирилгани айтилган. 1875 йилдан 1895 йил ҳолатига Сирдарё вилоятида 52 рус қишлоғи, шулардан 17 таси Чимкент уездида тузилган. Рус дехқонларини марказий губернияларидан Туркистонга оммавий кўчишига туртки бўлган сабаблардан бири кўчириш ҳақида 1889 йил 13 июл, 1896 йил 15 март ва 27 декабрь, 1903 йил 10 июль, 1904 йил 6 июнда қабул қилинган норматив ҳужжатлар асос бўлди. XIX асрнинг 90 йиллари бошида Россиядаги очарчилик оқибатида 15 мингдан ортиқ аҳоли ўзбошимчалик билан Туркистонга кўчиб келди. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан уларнинг 2000 нафари маҳаллий аҳолидан мусодара қилинган ерларга жойлаштирилди [6. Б. 29]. Империянинг кўчириш сиёсати Туркистон аҳоли сонининг кескин ошиши ва миллий бирликларнинг кўпайишига олиб келди. 1906 йилга келиб Туркистонда жами 65 рус посёлкаси бўлиб, посёлкаларни кўпчилиги Сирдарё вилоятида ташкил этилган.

1897 йил Бутун Россия империясида илк бора аҳоли рўйхатга олинди. Жумладан, Туркистонда аҳоли сони 5,3 млн. бўлиб, шундан 35,77 %- ўзбеклар, 44,36 % – козоқ ва қирғизлар, 6,73 % – тожиклар, 4,98 % – туркманлар, 3,75 % – руслар, 2,26 % – қорақалпоқлар, 2,15 % – бошқа миллатлар ташкил қилган [6. Б. 29].

Мустамлакачи маъмуриятнинг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсади ўлкани руслаштириш орқали ўз сиёсий таъсирини оширишдан иборат бўлган. Туркистонга кўчириб келтирилган русийзабонларнинг аҳволи бир кўришда қониқарли эди. Лекин кўчириб келтирилганлар дастлаб қийналишган, сабаби рус дехқончилик усуллари Ўрта Осиё шароитига мос



келмасди. Буни Туркистонда рус мустамлакачилик сиёсатининг ашаддий фанати И.И.Гейер ҳам тан олиб ёзган: “ўлкага кўчирилган рус аҳолиси, дастлабки кунларданоқ ерга ишлов бериш учун ўзини қайтадан тарбиялашига тўғри келди. Кўчирилган руслар дастлаб ўзларини ночор сезишди. Чунки отасидан ўрганган ерга ишлов бериш бу худудга тўғри келмас эди” [9. Б. 26].

Россия империясининг кўчириш сиёсати орқали ўз ички муаммоларини ҳал қилишга интилди, лекин кўчирилаётган худудда бу сиёсат қандай оқибатларга олиб келиши, улар учун иккинчи даражали муаммо эди. Кўчириб келтирилган аҳоли дастлабки кунларданок нокулайлик сизди, чунки деҳқончилик фаолияти уларнинг анъанавий деҳқончилик фаолиятдан тубдан фарқ қиларди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўчириб келтирилган аҳолининг ҳаммаси ҳам, бу заминнинг имкониятларидан фойдаланаолмаган, ёки ерга ишлов бериш техникасини тушунмаган. Подшоҳукумати ҳам уларнинг бундай бепарволигидан, албатта, маълум маънода ҳабардор бўлган бўлсада, кўчириш сиёсатини давом этар эди. “Русский вестник” газетасининг 1890 йил ноябрь ойидаги сониди “Туркистон ўлкасида рус мустамлакачилиги” номли жаноб Ивановнинг мақоласида кўчириш сиёсати ҳақида куйиниб, ҳафсаласизлик билан тасвирлаган: “Шуни таъкидлаш керакки, кўчирилганлар сони ортмоқда. 1886 йилда 315 хўжалик, 1887 йилда икки баробар кўп 789, 1889 йил 1006 хўжалик кўчирилган.

1879 йилда учта крестян посёлкаси аҳолиси 2000 кишидан иборат бўлган бўлса, 10 йил ўтиб 1889 йилда Сирдарё, Зарафшон ва Фарғона вилоятларида кўчирилган аҳоли сони 25 000 тага кўпайган” [4. Б. 369]. Бу худудларга келиб, Иванов кўчирилган аҳоли яшаш шароитини ўрганар экан, қуйидагича таърифлайди: “Биз бир неча рус посёлкаларини айланар эканмиз, уларнинг турмуши, шароити ҳақида йиғилган маълумотлар бизни хурсанд қилмади. Кўчирилганлар бу ерда яшаганига бир неча йиллар бўлганига қарамай, маҳаллий аҳолидан табиат инъомидан фойдаланишни кам ўзлаштиришган. Улар бировнинг васийлигини кутаётган ва усиз ҳеч нарса қила олмайдиган етимларга ўхшашади” [4. Б. 370]. Кўришиб турибдики кўчирилганларнинг аксарияти мажбурлигидан келганлиги боис, бу ерга ортиқча меҳр қўймаган, аксинча бу ердан борича фойдаланишга интилган холос. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, мулкдорларни қўллаш давлат учун ҳам фойдали бўлиб, халқ хўжалигига кирим қилибгина қолмай, аҳолини иш билан таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишда давлат олдида хизмати катта. Мулкдорлар мулкни шаклланишида ва уни ривожланишида уларнинг тинимсиз меҳнати, иқтидори, сабри, матонати ётади. Инсоннинг қашшоқ бўлиши кўп ҳолатда ўзига боғлиқ бўлиб, янгиликка интилмаслик, лаёқатсизлиги, вақтни қадрига етмаслиги сабаб бўлади.

Айнан Ўрта Осиёга кўчирилганларнинг ҳам асосий қисмини қашшоқ аҳоли ташкил қилар ва ўз хўжалигини йўлга қўйишда шахсий уқувсизлик муаммосига дуч келишар эди. Кўчирилган аҳоли қатлами-рус аҳолисининг энг қора ва қашшоқ қисми бўлиб, рус маъмурияти улар фаолиятини назорат қилар ва ўз фикрларини билдирган: “ташқи ёрдамсиз, оқил бошқарувчисиз ўз мустақил хўжалигини йўлга қўйиша олмас. Давлат ҳамиша ҳам молиявий ёрдам бера олмас экан, демак кўчириш сиёсатини шундай ташкил қилиш керакки, бу халқ хўжалигига фойда келтирсин. Бунинг энг яхши йўли кўчирилган аҳолини хусусий ер эгаларининг ерларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир” [5. Б. 392].

Хулоса қиладиган бўлсак, чор ҳукуматининг аграр сиёсати ва унинг асоси бўлган кўчириш сиёсати охир-оқибатда, ўлкада Европа аҳолисининг кўпайишига, уларнинг иқтисодий мавқеининг кучайишига ҳамда маҳаллий халқга нисбатан зулмнинг янада ошишига сабаб бўлди, натижада буюк рус шовинизмининг Туркистонда жорий этиладиган янги ижтимоий-иқтисодий сиёсати учун замин яратиши керак эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россиси мустамлакачилиги дарида. Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Добромыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент, 1912.
3. Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии. (исторический очерк). Ташкент. Ср.-Аз.Комм. Ун-та. Им. В.И. Ленина. 1926.
4. Гаспиринский Исмаил Полное собрание сочинений. Том третий. Публицистика: 1887-1890гг. Казань-Симферополь 2019.
5. Кауфман А.А. Переселение и колонизация. С. Петербург 1905.
6. Узбекистан в период колониализма и советского тоталитаризма. Учебное пособие для магистрантов по специальности 5А 120301 История Узбекистана. – Ташкент: Национальное общество философов, 1997.
7. Брежнева С. Н. Русские переселенцы в Туркестане: проблемы взаимоотношения с местным населением. Научные ведомости. Политология 1973. №1 .Выпуск 37.
8. Владимир Привалов. Русские переселенцы в Туркестанском крае. Взгляд журналиста. 26 июнь 2019
9. Мамадалиев И.А., Махмудов О.Р. Сущность переселенческой политики Российской империи в Средней Азии. Номаи донишгоҳ. Учёные записки. SCIENTIFICNOTES. №4 (53) 2017.